



## БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ МҲХСГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.д., проф. **Ибрагимов Абдуганур**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0000-9032-0654

[gafuribragimov@mail.ru](mailto:gafuribragimov@mail.ru)

**Алиев Ботиржон**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0004-8446-0406

[gafuribragimov1@mail.ru](mailto:gafuribragimov1@mail.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ва молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш, уни ташкилий тузилмасини назорат қилиш тизими таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш МҲХС асосида ташкил этиш ва уни халқаро талабларга мослаб ташкил этиш, ички банк операциялари харажатларини замонавий таҳлил усуллари асосида МҲХС амалиётга жорий этиш ва фаолият турлари бўйича таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** банклар, ҳисоб тизими, молиявий ҳисобот, халқаро стандарт, МҲХС, банк операциялари.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ В БАНКАХ В СООТВЕТСТВИИ С МСФО

д.э.н., проф. **Ибрагимов Абдуганур**

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

**Алиев Ботиржон**

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье анализируется система ведения бухгалтерского учета и финансовой отчетности в коммерческих банках Узбекистана на основе международных стандартов финансовой отчетности, проводится мониторинг ее организационной структуры и разрабатываются научно обоснованные предложения по ее совершенствованию. В данном случае были проведены организация бухгалтерского учета и финансовой отчетности на основе МСФО и приведение ее в соответствие с международными требованиями, внедрение МСФО на практике и анализ затрат на внутренние банковские операции на основе современных методов анализа.

**Ключевые слова:** банки, система бухгалтерского учета, финансовая отчетность, международные стандарты, МСФО, банковские операции.

## ISSUES OF IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND REPORTING IN BANKS IN ACCORDANCE WITH IFRS

*DSc, prof. Ibragimov Abdugafur*  
*Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan*  
**Aliev Botirjon**  
*Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract.** *This article analyzes the system of maintaining accounting and financial statements in commercial banks of Uzbekistan on the basis of International Financial Reporting Standards, monitoring its organizational structure, and develops scientifically based proposals for its improvement. In this case, the organization of accounting and financial statements on the basis of IFRS and its organization in accordance with international requirements, the implementation of IFRS in practice and the analysis of the costs of domestic banking operations on the basis of modern methods of analysis were carried out.*

**Keywords:** *banks, accounting system, financial reporting, international standards, IFRS, banking operations.*

### **Кириш.**

Ҳозирги иқтисодий эркинлаштириш амалиётини қўллаш шароитида мамлакатимиздаги банк соҳасини янада эркинлаштириш ва либераллаштириш ҳамда молиявий жиҳатдан тизимли тартибга солиш амалиётини қўллаш орқали Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятини иқтисодий эркинлаштириш шароитга мослаштириш вазифасини бажариш имконияти вужудга келади.

Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблигини мамлакатимизнинг Президенти Мирзиёев (2022) томонидан шундай таъкидланган: Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қабул қилинган бўлиб, унда алоҳида масала сифатида банк-молия тизимини ривожлантиришда уни самарадорлик, шаффофлик ва рақобатбардошликни оширишга доир устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бунда ушбу масалаларнинг хусусий жиҳатларини тижорат банкларининг амалиётига жорий этиш натижасида банк соҳасини янада ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш имконияти яратилади. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими амалиётида юқоридаги вазифани бажаришда асосий кўмак берувчи амалиёт бу халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган амалиёт молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш масаласи ҳисобланади. Ушбу Ўзбекистон Республика Президентининг Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банклари олдидаги асосий масала бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш натижасида тижорат банкларининг ҳисоб ва молиявий ҳисобот тизимини назорат қилиш орқали уни халқаро замонавий банк тизими амалиётидаги механизмларга мослаштириш имконияти яратилади. Шу сабабли мамлакатимиз банк тизимида, тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мос равишда ҳисобот шакллари оптималлаштириш, уларни самарали тарзда таҳлил қилиш ва бошқариш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 178-сонли “Банк тизимини трансформация қилиш ва давлат улуши бўлган банкларни қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, қарорида томонидан шундай деб таъкидлаб ўтилган: “Молия тизимини трансформация қилиш ва давлат улуши бўлган банкларни қайта ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш масаласи алоҳида қайд этилган (Қарор, 2023). Демак тижорат банкларининг фаолиятини халқаро талаблар доирасида ташкил этишда умум қабул қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон

Республикаси амалиётида, айниқса тижорат банкларининг фаолиятини халқаро талаблар асосида ташкил этишда МҲХС муҳим ўринни эгаллайди. Банк тизимини ташкил этишда халқаро тажриба асосида банкнинг оператив фаолияти, унинг харажатлари ва даромадларини халқаро талабларга мос равишда юритиш муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан кенг фойдаланиш тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва банкнинг консолидациялашган молиявий ҳисобот шаклларини тузиш амалиётини бошқариш ва уни баҳолаш, тижорат банклари операцияларини режалаштириш ва назорат қилишда муҳим рол ўйнайди.

### Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк тизимини халқаро амалиётга мослаштириш масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Чунки банк тизими орқали ўзаро ҳисоб-китоблар, субъектларнинг пул мабалағлари тартибга солинади ва ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади ва ушбу жараёнлар халқаро талабларга мос равишда ташкил қилиниши ва бунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан бевосита фойдаланиш ушбу жараёнларни енгиллаштиради ва ушбу операцияларни чет эллик ҳамкорлар ҳам тушуна оладиган бўлишига имкон яратилади. Бундан ташқари тижорат банкларининг молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш ва тақдим этиш жараёнида уларнинг халқаро талабларга мос келишига катта эътибор қаратилади, чунки ташқи мижозлар томонидан тегишли бошқарув қарори ва ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун молиявий ҳисобот кўрсаткичларидан кенг равишда фойдаланилалади ва унинг асосида тегишли ўзаро муносабатларни тартибга солишга доир ҳаракатлар амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мос келиши жараёнида уларнинг кўрсаткичларининг ўзаро тушуна олиш ва уларни ўқиш имкониятига эга бўлиши керак. Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар Вахабов, Ибрагимов, Ризаевлар (2011) томонидан шундай фикр билдирилган: «Умуман олганда МҲХСнинг тижорат банклари фаолиятига тадбиқ қилиниши банкларнинг рақобат кураши учун замин ҳозирлайди, ҳамда хизмат кўрсатиш савиясини оширишга хизмат қилади, банк мутахассисларининг ўз устида мутассил изланишлар олиб боришига ундайди. Бундан ташқари МҲХСга ўтиш банклар учун қулай ва хорижий инвесторларни жалб қилиш йўналишларидан ҳисобланади. МҲХСга ўтишда аудит ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисобини юритиш билан шуғулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади». Демак ушбу муаллифларнинг фикрига кўра, банк тизимига МҲХС жорий этиш уларга чет эл инвесторларини жалб этишга қулай имконият яратади. Бундан ташқари тижорат банкларининг айрим операцияларини МҲХС асосида юритиш масаласида айрим муаллифлар томонидан шундай фикр билдирилганлигини кўришимиз мумкин: «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан пул маблағларининг ҳисобини юритишда эмиссия-касса режими асосида амалга оширилади ва уларни ҳисоби тегишли пул-эмиссия операцияларини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинади» (Ибрагимов, Шорахметов, 2024). Ушбу масала янада ривожлантирилиб, иқтисодчи-олим Умаров (2022) томонидан шундай фикр билдирилган: «ушбу муаллиф фикрига кўра қуйидаги касса турларини келтириш мумкин: кирим касса, чиқим касса, кирим-чиқим касса, валюта алмаштириш кассаси ва кейинги йилларда кенг тарқалган универсал кассалардан иборат». Демак ушбу фикрга кўра тижорат банкларининг фаолиятида турли кшринишдаги кассаларда фойдаланиш мумкин.

Лекин ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда изоҳлаш мумкинки, тижорат банкларининг фаолиятида турли ҳил банк кассаларидан фойдаланиш мумкин, ҳозирги

кунда кўпроқ универсал кассалардан фойдаланилмоқда ва ушбу жараён мижозлар учун ҳам ва банк учун ҳам қулай ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақоланинг тадқиқоти жараёнида таҳлил ва синтез усуллари қўлланилади, ёки бошқача қилиб айтганда, ўрганилаётган объект бўйича ақлий хулосаларига асосланиб, биз мавзуни таққослаш усуллари ишлаб чиқдик, муаллифларнинг ўрганилаётган мавзу бўйича қарашлари ҳақидаги фикрларини аниқлаштирамиз, шунингдек, фикрлаш, далиллар, таснифлаш процедуралари орқали тушуниш жараёни, илмий назариялардан маълумот излаш, ишлатилганда уни янада мазмунли тушунишга имкон берадиган характерли хусусиятлар тўпламларидан кенг фойдаланилди. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва консолидациялашган молиявий ҳисоботини МҲҲСга мувофиқ такомиллаштириш амалга оширилди. Бизнинг ҳолатларимизда ҳам худди шундай жараён амалга оширилди, унинг давомида хусусий тижорат банкларининг банк операцияларининг ҳисобини амалга ошириш бўйича жаҳон тажрибаси ва унинг банк хизматлари натижаларига амалий таъсири ва Ўзбекистон тижорат банкларида операция жараёнларини такомиллаштириш таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижаларнинг муҳокамаси.**

Илмий адабиётларда банк харажатлари асосан тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар, шунингдек молиявий ва операция харажатлар сифатида классификация қилинади. Хильтон (2009) таърифига кўра, тўғридан-тўғри харажатлар муайян банк маҳсулоти ёки хизмат турига бевосита боғлиқ бўлиб, уларни аниқ ва тўғридан белгилаш мумкин. Масалан, кредит бериш билан боғлиқ IT инфратузилмаси ёки муайян мижозлар учун яратилган реклама харажатлари шулар жумласидандир. Билвосита харажатлар эса умумий бошқарув, офис ижараси, маъмурий ва техник хизматлар харажатлари каби банк фаолиятининг кенг қамровли соҳаларига тегишли бўлиб, уларни алоҳида хизмат турларига тақсимлаш қийин. Антони ва Говиндаржаннинг (2007) назарий ёндашувига кўра, харажатларнинг яна бир муҳим тоифалари — молиявий ва операция харажатлардир. Молиявий харажатлар, асосан, фоиз тўловлари, захиралар тузилиши, валюта курслари бўйича йўқотишлар ва қарз маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Операция харажатлар эса кундалик фаолият учун зарур бўлган ресурслар — кадрлар билан боғлиқ харажатлар, IT хизматлар, реклама, коммунал хизматлар, таъмирлаш ва ижара харажатларидан иборат бўлади.

Банк харажатлари — бу тижорат банкининг молиявий фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган маблағ сарфлари мажмуасидир. Ушбу харажатлар, одатда, ходимларга тўланадиган иш ҳақи, кредитлар бўйича фоиз тўловлари, ахборот технологиялари учун хизматлар, ижара, юридик ва аутсорсинг хизматлари, шунингдек, ҳужжатлаштириш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларини ўз ичига олади. Друри (2015) таъкидлаганидек, банк харажатларини тўғри таснифлаш ва самарали назорат қилиш молиявий натижаларга бевосита таъсир кўрсатади ва умумий фаолият самарадорлигини белгилайди.

Халқаро амалиётда банк харажатлари шартли равишда икки асосий турга — тўғридан-тўғри (операция харажатлар) ва билвосита (қарз капиталига хизмат кўрсатиш харажатлари) — ажратилади. Сўнгги илмий тадқиқотлар, хусусан, *Archiv* илмий платформасида чоп этилган мақолаларда таъкидланганидек, ташқи валюта операциялари билан боғлиқ "revaluation" (қайта баҳолаш) харажатлари банкнинг умумий харажатларининг тахминан 26,5%ини ташкил этади. Бу эса банк харажатлари тизимини чуқур ва функциявий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларни мақсадли классификациялашнинг амалий аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотнинг мақсадлари тўлиқ амалга оширилди. Харажатларни назорат қилишнинг замонавий услубларидан: ABC модели, KPI ва бюджетлаштириш концепциялари тижорат банкларининг ҳисоб амалиётига тадбиқ этилиши натижасида ҳисоб тизимини оптимал ташкил этиш имконияти яратилади. Шу асосда харажатларнинг таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилди, самарадорликни оширишга қаратилган амалий таклифлар берилди. Бундан ташқари, бу тадқиқот натижалари келгусидаги илмий изланишлар учун методологик ва амалий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг харажатларини бошқаришда самарадорликни оширишга хизмат қилувчи назарий ва амалий ёндашувларни таҳлил қилиш, замонавий усулларни (ABC, KPI, бюджетлаштириш) жорий этиш имкониятларини қўллаш бўйича амалий таклифлар келгусидаги тадқиқотларни ривожлантириш имкониятини беради.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

Anthony R.N., Govindarajan V. (2007) *Management Control Systems. 12th ed.* — Boston: McGraw-Hill Education, — 768 p.

Drury, C. (2015) *Management and Cost Accounting. – 8th ed.* – London: Cengage Learning, – 832 с.

Hilton R.W. (2009) *Managerial Accounting. 7th ed.* — New York: McGraw-Hill Education, - 864 p.

Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. (2011) *Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси.*/А.В.Вахабов, А.К.Ибрагимов, Н.К.Ризаев. –Т.:Молия, Монография, 188б.

Ибрагимов А.К., Шорахметов Ш.Ш. (2024) *Методологические аспекты организации кассовых операций в коммерческих банках. //Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали. V son- тау, //496-504 бетлар.*

Қарор (2023) Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси. 178-сонли қарори “Банк тизимини трансформация қилиш ва давлат улуши бўлган банкларни қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 17.06.2023. <https://lex.uz/docs/6423723>.

Мирзиёев Ш.М. (2022) Ўзбекистон Республикаси Президенти. “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармон, ПФ-60, 28.01.2022. <https://lex.uz/docs/5841063>.

Умаров, З.А., Муругова, И.А., Бабаева, Г.Я., (2022). *Бухгалтерский учёт в банках.* –Т.: Иқтисод-молия, -234б.